



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

## ҚОРАҚАЛПОҚ ҲУЖЖАТЛИ КИНОСИННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Азиз Аскаров

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти нукус филиали уқтувчиси

### **Аннотация:**

Бугунги кунда Ўзбекистон кинематографи янада ривож топаётгани баробарида профессионаллик, бадиийлик, эстетик нуқтайи назаридан камчиликлар ва муаммоларга дуч келмоқда. Бунга ғоявий-бадиий ва мазмун жиҳатларидан пухта асарларни вужудга келтириш бўйича изланишлар етарлича амалга оширилмаётгани, фильмларнинг тасвирий ва бадиий ифода воситалари тўлақонли акс этмаётгани, “устоз-шогирд” анъаналарининг узвийлиги таъминланмаётгани сабаб бўлмоқда. “Ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадиий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик ишларининг лозим даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадиий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги ёш авлодни жасорат ва қатъиятлилик руҳида тарбиялаш, ёт “оммавий маданият”га қарши курашиш каби миллий кинематографиянинг асосий мақсадларини амалга ошириш имконини бермаяпти”. “Қорақалпоқфильм” киностудияси фаолиятида ҳам оқсаншлар кузатилаётган бўлиб, бунга профессионал кадрларнинг етишмаслиги, ижодкорларда бадиий-эстетик тафаккур намоён бўлмаётгани, замон талабига мос моддий-техник база шакллантирилмагани асосий сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан қорақалпоқ киноси тарихи, замонавий ҳолати, хусусиятлари, қорақалпоқ бадиий маданиятида кинонин урни, ривожини илмий тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Калит сузлар:** Коракалпогистон, ҳужжатли фильмлар, кино тарихи, Орол денгизи, коракалпокфильм киностудияси



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хайтматова С., Абулқосимова Х. Ўзбекистон санъати тарихидан: мустақиллик давридаги ўзбек киноси. – Тошкент, 2008.
2. Тешабоев Ж. Узбекское кино: традиции и новаторство. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1979. – 184 с.

Қорақалпоқ хужжатли фильмлари мавзу, жанр, ғоя, услуг жиҳатларидан турли-туман. Улар орасида глобал, ижтимоий ва майший мавзулар, Қорақалпоғистон тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган турли касб эгалари ҳақидаги фильм-портретлар, қорақалпоқ халқи маданияти, анъаналари, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар учрайди. Албатта, уларнинг барчаси ҳар томонлама етук, мукаммал даражада деб бўлмайди, бироқ бадиий-эстетик жиҳатдан юқори тарзда ишланган фильмлар борки, мазкур тадқиқот ишида улар таҳлилга тортилди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий ўзликни англаш, асрий анъаналар, тарихий урф-одатларни тиклаш ва тарғиб қилишга хукумат даражасида эътибор бериб келинмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида санъатнинг барча турларида ижодкорлар ўз ижодига айнан шу нуқтаи назардан ёндаша бошлади. Бу экран санъатида ҳам ўз аксини топди. Шу қаторда Қорақалпоғистон киноси ижодкорлари хужжатли фильмларда қорақалпоқ халқининг миллий қадриятларини тараннум этишга катта аҳамият қаратиб келмоқда. 1997 йили суратга олинган “Жиров” хужжатли фильм шулар жумласига киради. Унда авлоддан авлодга ўтиб келаётган жиров санъатининг ўзига хослиги, синоатли қирралари, халқ оғзаки ижодидаги ўрни хусусида сўз боради.

Сценарий муаллифлари А.Султанов, Т.Қалимбетов ва режиссёр Т.Қалимбетов мазкур фильmdа жиров санъатининг қорақалпоғистонликлар турмуш-тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодиса эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Фильмнинг бадиий ва тасвирий ечимларида айнан шундай ёндашув яққол намоён бўлган.

Фильмнинг экспозицион қисмида бобо ва неваранинг ўтларни ўриб, чорва моллари учун қишига ем-хашак ғамлаш ҳаракатида бўлаётган жараёни тасвирланади. Бу оддий халқнинг аъмоли билан боғлиқ ҳолат оператор



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

томонидан юқори ракурсда умумий планда, ора-орада бобонинг юзини йирик планда кўрсатиш орқали фильм муаллифлари воқеаларга тугун ташлаган, яъни томошабинларда “Улар ким?” деган савол уйғонади. Мазкур эпизодда табиий шовқинлардан, шамол туфайли шивирлаб турган ўт-ўланлар ва баргларнинг товушларидан фойдаланилгани томошабинни экранда тасвиранган мухитга олиб киришга ёрдам берган.

Кейинги эпизодларда эса ана шу бобо жиров санъатини пухта эгаллаган санъаткор эканлиги маълум бўлади. У миллий услубда безатилган ўтовга ёзилган дастурхоннинг тўрида ўтирганча, қўбизни чалиб достондан парча куйлайди. Атрофдаги миллий либослар кийиб ўтирган эркак ва аёллар ҳамда дастурхондаги ноз-неъматлардан бу ерда бирор тўй-ҳашам ёки бошқа баҳтиёр маросим ўtkазилаётганини англаш мушкул эмас. Мазкур эпизоднинг тасвирий ечимида акс этган миллий колорит жировнинг куй-садолари билан шу қадар уйғунлашганки, томошабиннинг эътибори бу жараёнга бутунлай қаратилади. Муаллифлар фильм мавзусига ана шундай ўзига хос тарзда кириб олгач, асосий масалага – жиров санъатининг хусусиятларини очиб беришга ўтадилар. Бунинг учун муаллифлар қорақалпоқ жиров санъатининг йирик намояндаси, ушбу санъатнинг авлоддан авлодга ўтиб келишига катта ҳисса қўшаётган Жумабай жиров Базарбаевни фильмдаги асосий қаҳрамон сифатида танлаганлар. Жумабай жиров интервьюсида ёшлиқ пайтида Кўрқут отани тушида кўргани, айнан у Жумабайнинг жиров санъатини давом эттириши лозимлигини айтгани ҳақидаги тушини баён этаркан, бунда мазкур санъатнинг сирли ва илохий жиҳатлари намоён бўлади.

Фильмда жиров санъатининг асосий чолғуси бўлмиш қўбизни тайёрлаш ва созлаш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилгани қадрли. Бунда оператор йирик ва макро планлар орқали қўбиз тайёрлаш ва созлаш билан боғлиқ деталларни тасвиrlашга муваффақ бўлган. Бу эса фильмнинг колоритига ижобий таъсир этган.

Жумабай ўз интервьюсида жиров санъатининг бугунги авлод вакилларида катта қизиқиши уйғотмаётгани, оқибатда “устоз-шогирд” анъаналари бузилиб, халқ оғзаки ижодининг мазкур бетакрор намунаси аста-секин йўқолиб кетиши ва одамларнинг эсидан чиқиши хавфи юзага келганини қалбида оғриқ билан



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

сўзлайди. Жиров санъати билан боғлиқ бу муаммо, Жумабай Базарбаевдан кейин унинг ижодини давом эттирадиган шогирдлар йўқлиги ҳақиқатан томошабинни ўйга толдиради.

Бугунги кунда жиров санъатининг йўқолиб бораётгани ҳақида кўплаб тадқиқотчилар бонг урмоқдалар. Бундай интилиш ва ҳаракатлар зое кетмади. Сабаби, ЮНЕСКО мазкур муаммога ўз эътиборини қаратди. Натижада ушбу ташкилот томонидан айнан жиров санъатини сақлаш, тарғиб қилиш, кейинги авлодларга қолдириш бўйича маҳсус лойиҳа ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш мақсадида 2023 йили катта фольклор экспедицияси амалга оширилди. Албатта, бундай ноёб санъатга кенг жамоатчилик ўз эътиборини қаратса ҳамда уни сақлаб қолишга интилишлар кўпайса, жиров санъати унут бўлишига йўл қўйилмайди.

Фильмнинг муаллифлари ўз олдига кўйган мақсад ҳам асли шу. Улар жиров санъати қорақалпок халқининг азалий қадриятлари, турмуш-тарзи, анъаналарини ўзида акс эттириши, шу сабабли унга бўлган эътибор ва ёндашувни ижобий томонга ўзгартириш вақти келганини ҳаяжон билан таъкидлашга интиладилар. Шунинг учун ҳам фильм поэтик руҳияти билан ажralиб туради, унда жиров санъати образли хусусият билан суғорилган бўлиб, натижада ушбу санъат фильмнинг асосий қаҳрамони бўлиб экранда гавдаланган.

1998 йили суратга олинган “Мерос” ҳужжатли фильм ҳам қорақалпоғистонлик киноижодкорларнинг қорақалпок халқи анъаналарини экранда акс эттириш бўйича изланишларини давом эттирди. “Жиров”да миллий мусиқий маданиятга бўлган ҳурмат акс этган бўлса, “Мерос” фильмида ҳунармандчилик ва амалий санъатининг бир тури ҳисобланган анъанавий либослар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилган.

“Мерос” ҳужжатли фильмида асосий урғу сюжет, эпизодлар кетма-кетлигига эмас, балки муаллифлик матни орқали етказилган либослар тарихи ва бугунги ҳолати ҳақидаги маълумотларга қаратилган. Шу боис фильм стилистик жиҳатдан телевизион кўрсатувга ўхшаб қолган.

Матнга асосий урғу берилган фильмларда талқин ва тасвирдан қўра, кўпроқ драматургиянинг мукаммаллигига аҳамият қаратилади. Шу жиҳатдан,



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

сценарий муаллифи А.Султанов кадр ортидаги матндан керакли маълумотларни томошабинларга тақдим этишдаги асосий восита сифатида фойдаланиш баробарида, ана шу матнинг равон ва саводли янграшини таъминлаган. Натижада матн орқали томошабинлар қорақалпоқ миллий либосларининг келиб чиқиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, турлари ҳамда замонавий даврдаги ўрни ва аҳамияти хусусида қимматли маълумотларга эга бўлади.

Режиссёр Д.Абдимуратов фильмдаги кадрларни муаллифлик матнiga мос тарзда суратга олишга ва монтажда териб чиқишга интилган. Ҳужжатли фильмда тасвирий-бадиий ифода воситаларини матнга мослашга интилиш мураккаб жараён. Шунга қарамай, режиссёр музейдаги тарихий либослар ва тақинчоқлар, тўй маросимидағи келинлик либослари, миллий куй-қўшиқقا рақсга тушаётган раққослар эгнидаги анъанавий либосларни тасвирлаган ҳолда, миллий колоритни экранда ифодалашга муваффақ бўлган. Бунда, албатта, оператор К.Исаковнинг йирик пландан фойдаланган ҳолда миллий либосларнинг нақшлари, деталларини тасвирлаши муҳим аҳамият касб этган. Ушбу фильmdа қорақалпоқ халқи анъаналар давомийлигини сақлашга уринаётгани ўз ифодасини топган. Фильм қаҳрамонлари сифатида танланган рассом-модельер Гулнора Ембергенова, шунингдек, Ойгул ательесининг фаолиятида айнан анъаналар, урф-одатлар ва қадриятларга бўлган ҳурмат аксини топади. Улар миллий либосларни тарихий хусусиятини сақлаган ҳолда юзага келтираётгани ортида анъаналар тарғиботига алоҳида аҳамият қарататётгани англанади. Режиссёр Д.Абдимуратов миллий либосларнинг нақадар гўзал ва мафтункорлигини яққол намоён этиш мақсадида тўйи бўлаётган келин ҳамда раққосаларнинг либосларини замондош аёлларнинг замонавий кийимлари билан тасвирда солишириш орқали контрастликка эришади.

“Мерос” ҳужжатли фильм бадиий ва тасвирий жиҳатдан юксак тарзда ишланмаган бўлса-да, тарихий анъаналарнинг тарғиботи билан аҳамиятга эга. Унда қорақалпоқ халқи менталитети, турмуш-тарзи, урф-одатларини ўзида акс эттирган миллий либосларига бўлган ҳурмат уфуриб туради. Фильм



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

ижодкорлари авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларни тасвирдаги миллий колорит ва информацион ёндашув билан ифодалай олганлар.

1999 йили суратга олинган “Бешик” хужжатли фильм қорақалпоқ киноижодкорлари томонидан миллий қадриятларни экранда тараннум этиш бўйича амалга оширилган изланишларнинг мантиқий давоми бўлди. Фильмда бешик тимсоли орқали оила билан боғлиқ муқаддас тушунчалар ўз аксини топди.

Фильм драматургияси пухта ишланган бўлиб, унда бола дунёга келишидан тортиб, атак-чечак қадам ташлагунигача бўлган жараён ўзига хос динамик ривожланиш билан тасвирланган. Сценарий муаллифи А.Султанов фарзанд туғилиши, уни бешикда катта қилиш, алла айтиш, оила баҳти учун гўзал ниятлар ва ҳис-туйғулар билан яшаш сингари бир қарашда инсонларнинг одатий турмуш-тарзи билан узвий боғлиқ бўлган қарашлар ва ўзига хосликларга қиссавий моҳият баҳш этганки, натижада унинг асосидаги фильм ҳикоят шаклида экранда намоён бўлган. Режиссёр Д.Абдимуратов бешик фонида қорақалпоқ ва умуман, туркий халқларга хос урф-одатларни мантиқий изчилилар ёрдамида ҳамда воқеаларни ўринли шарҳлаб турувчи муаллиф сўзи жўрлигида ифода этган.

Урф-одат ва қадриятларни экранда акс эттиришда миллий колоритни тасвирлаш муҳим саналади. Режиссёр буни жуда яхши англаган ҳолда фильмда гавдаланган персонажларнинг либосларидан тортиб, кадрлар фонидаги ҳар бир деталгача миллий руҳни сингдиришга интилган. Бир оиласида фарзанд дунёга келиши, сўнг ана шу оила томонидан хурсандчилик билан қўни-қўшни, ёр-у биродарлар учун дастурхон ёзилиши, оила вакилларининг оддий турмуш-тарзини тасвирлаш жараёнлари ўтовда содир бўлади. Бозордан бешик сотиб олиш жараёнига ҳам фильм муаллифлар алоҳида аҳамият қаратганки, бунда бешик танлаш ҳамда сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар қадриятнинг ажралмас бир қисми эканлиги маълум бўлади. Болани бешикка белаш ва алла айтиш эпизодларидағи ёш онанинг олдида катта ёшли онахонлар иштирок этиши мазкур жараён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлигини англатади.



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

Ижодкорлар нафакат боланинг бешик ёшидалик пайти, балки ўзи мустақил равишда қадам ташлай бошлаган онларини ҳам тасвирлайдилар. Эндиғина юра бошлаган болакайнинг олдига нон ва ширинликлар қўйиб, унга баҳт ҳамда ширин ҳаёт тилаш ҳам ўзига хос урф-одат бўлиб, бу орқали халқнинг азалий анъаналари инсонларни фақатгина эзгуликка чорлаши акс этади.

Мазкур фильмда оператор Б.Дилмуратовнинг ижодкорлик қобилияти яққол намоён бўлган. У тасвирда фарзанди туғилган отанинг ҳис-ҳаяжонини очиб бера олган. Ёш онанинг баҳтлилигини тасвирлашда эса йирик планда актисанинг жилмайиб турган юзлари кўрсатилиши фильмга ўзига хос мазмун баҳш этган. Ўтовда фарзанд туғилгач, ота ва унинг барча яқинларида юзага келган шодонлик, хурсандчилик маъносида ёзилган дастурхон атрофида йиғилган яқин инсонларнинг гўзал ниятлар тилаш жараёни маҳсус саҳналаштирилган бўлиб, бу урф-одатни тўлақонли етказишда муҳим аҳамият касб этган. Оператор фильмдаги, айниқса, сўнгти эпизодлардан бири бўлган болакайнинг атак-чечак қадам ташлаб юришини мазмунли тасвирлаган. У болакайни узоқдан қуи ракурс орқали суратга олади, бу жараёнда фокус болакайга қаратилади ва унинг ортидаги фон фокусдан ташқарида қолади, шу орқали болакайнинг ҳис-ҳаяжони томошабинга аниқ кўрсатилади. Натижада ушбу кадр томошабинга эстетик завқ бағишилаган.

Киноижодкорлар ҳар бир ҳужжатли фильмни юзага чиқаришда қорақалпоқ халқи анъаналари, турмуш тарзи, характер хусусиятларини экранда акс эттириш, мазкур худуднинг табиати, майший манзаралари, ижтимоий муҳитини тасвирлаш орқали қорақалпоқ киносида миллий колоритни намоён этиш бўйича ижодий изланишларини амалга оширидилар ва ошириб келмоқдалар. Қорақалпоғистон юртига бевосита тегишли бўлган энг глобал муаммо – Орол денгизининг чекиниши билан боғлиқ масала қорақалпоқ киноижодкорларининг ҳам диққат-марказида бўлиб, бу ҳақда кўплаб ҳужжатли фильмлар яратилди. Уларда асосий эътибор Оролнинг қуриши сабабларидан кўра, оқибатларига қаратилди. Бунда инсонларнинг оғир яшаш шароити, халқ орасида вужудга келаётган жисмоний ва ақлий заифликлар, борган сари саҳрога айлананаётган худудлар ҳаётий ва ҳаққоний тарзда ўз ифодасини топди.



# E CONF SERIES



**International Conference on Economics, Finance, Banking and Management**

**Hosted online from Paris, France**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

24<sup>th</sup> February, 2025

Шунингдек, ижодкорлар қорақалпоқ халқининг тарихида ўз ҳаётий фаолияти билан ўчмас из қолдирган инсонлар, хатти-харакати, орзу-интилишлари, юксак истеъдод ва қобилияти билан жамиятда ўз ўрнига эга бўлган турли касб эгаларининг ибратли умри портрет жанридаги фильмларда акс этди. Уларда киноижодкорлар ҳужжатли фильмнинг репортаж, интервью, кадр ортидаги матн, архив материаллари, кинокузатиш каби шакл ва воситалар, актёрлар ижроси ва реконструкция сингари бадиий услублардан фойдаланилди.

Қорақалпоқ халқи тарихи, урф-одатлари, анъаналарини ифода этиш тажрибалари, айниқса, мустақиллик йилларида шиддат билан ривожланди. Қатор режиссёrlар халқ миллий лиbosлари, ҳунармандчилиги, тўй ва бошқа маросимларини тасвирлаш орқали қорақалпоқ халқининг миллий ўзига хослигини ифодаладилар. Шу мавзудаги қўплаб ҳужжатли фильмлар телекўрсатувларга хос ифода воситалари асосида суратга олиниши натижасида бадиий ва жанр жиҳатларидан қоришиқ ҳолатлари юзага келди.

Шу билан бирга, “Қорақалпоқфильм” ижодкорлари, айниқса, режиссёр Т.Қалимбетовнинг ижодий тажрибалари орасида диалог, монолог, кадр орти матни, умуман, сўздан ҳоли бўлган ҳужжатли фильмларни суратга олишга уринишлар кузатилмоқда. Уларда ҳам қорақалпоқ худудига тегишли глобал муаммолар, оғир шароитлардан кун кечираётган халқнинг турмуш тарзи асосий мавзуга айланган. Мазкур фильмларда бадиий кинога хос ифода воситалари, рамзий-метафорик топилмалар акс этиши натижасида поэтик кино хусусиятлари намоён бўлди.